

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ**

2022 йил март ойининг 15 куни Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ёпиқ суд мажлиси ўз биносида,

раислик қилувчи вилоят судининг судьяси [REDACTED] ҳайъат судьялари [REDACTED] дан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан прокурор [REDACTED], судланувчи АЖ ва унинг ҳимоячиси [REDACTED], судланувчи АЕ ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] нинг иштирокида, жиноят ишини ҳимоячилар Ж.Турғунбоев ва [REDACTED] апелляция тартибидаги шикоятларига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2022 йил 18 январдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED] 1968 йил 27 аперль куни Ғаллаорол туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Жиззах вилояти, Пахтакор туман қурилиш бўлими бошлиғи бўлиб мансабдорлик лавозимида ишлаб келган, [REDACTED]

[REDACTED] кўчаси 4-уй, 1-хонадонда яшаган, унга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 йил муддатга корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларида мансабдор ва моддий жавобгар лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

[REDACTED] 1970 йил 18 май куни Қозоғистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали 2 нафар фарзанди бор,



муқаддам судланган, ЖИБ Пахтакор туман судининг 31.10.2018 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилган ва унга 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ЖИБ Зафаробод туман судининг 29.11.2019 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан 1 йил 29 кун ўталмай қолган жазосидан илгари шартли равишда озод қилинган, Жиззах вилояти, Пахтакор туман Қурилиш бўлими мутахассиси бўлиб ишлаб келган, Жиззах вилояти,

яшаган, унга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,210-моддаси 2-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 йил муддатга корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларида мансабдор ва моддий жавобгар лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи АЖ, Жиззах вилояти Пахтакор туман қурилиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, ўзи билан бирга ишлаб келаётган ташкилот мутахассиси АЕ билан бир гуруҳ бўлишиб, олдиндан ўзаро жинойий тил бириктириб, “Келдиёров Р” хусусий корхонаси раҳбари РК корхонага ишлаб чиқариш учун ажратилган 2,2 гектар ер майдонини турар жой тоифасига ўтказиш учун хулоса бериш учун Пахтакор туман қурилиш бўлимига мурожаат қилганида, АЖ ва АЕлар нотурар ер майдонини турар жой тоифасига ўтказиб бериш учун 5000 АҚШ долларини пора тариқасида беришни талаб қилишган.

Шундан кейин РК 2021 йил 16 сентябрь куни Жиззах вилоят ДХХ бошлиғи номига ариза билан мурожаат этиб, унга тегишли бўлган “Келдиёров Р” хусусий корхонасига тегишли бўлган ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдонини турар жой тоифасига ўтказиш ҳақида хулоса бериш учун Пахтакор туман қурилиш бўлими бошлиғи АЖ ва мутахассиси АЕ ундан 5000 АҚШ доллари талаб қилганлиги учун чора кўришни сўраган.

Мазкур ариза юзасидан вилоят ДХХ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида, 2021 йил 16 сентябрь куни соат 15:20ларда Пахтакор шаҳар Сўғдиёна кўчасида АЕ ўзининг бошқарувидаги “LASETTI” русумли 25 G 614 DA давлат рақам белгили автомашинасида 4.280.000 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ долларини таъмагирик йўли билан пора тариқасида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.



Жиззах вилоят ИИБ Зомин тумани бўйича ИИО ФМБ эксперт криминалистика гуруҳининг 2021 йил 20 сентябрь кундаги 120-сонли хулосасига кўра, фуқаро АЕнинг ўнг қўл бош ва кўрсаткич бармоқлари, “LASETTI” русумли 25 G 614 DA давлат рақам белгили автомашинасидан олинган 4000 АҚШ доллари купюраларида сарғиш яшил рангли махсус кукун излари мавжудлиги, АҚШ долларларида “ПОРА-2021” ёзувлари мавжудлиги, ушбу ёзувлар экспертга тақдим қилинган оқ қоғоз устидаги қизғиш рангдаги “ПОРА-2021” ёзуви билан ташқи кўриниши ва кимёвий таркиби жиҳатидан бир-бирига турдош эканлиги аниқланган.

Судланувчи АЖнинг ҳимоячиси [REDACTED] шикоятда, Пахтакор туман қурилиш бўлими бошлиғи АЖнинг ваколат доирасига саноат ишлаб чиқариш зоналаридаги ер майдонларини турар жой учун ажратишда хулоса бериш ёки бошқа турдаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида амалга ошириб бўлмаслиги, шу сабабли АЖ ЖКнинг 210-моддаси субъекти бўла олмаслиги, АЖни АЕ ва РК билан ўрталаридаги келишувга алоқаси йўқлиги сабабли уни ЖКнинг 210-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айблаб бўлмаслиги, биринчи инстанция суди АЖга нисбатан жазо тайинлашда зарарнинг мавжуд эмаслиги, кафолат хати ва илтимосномаларни инобатга олмасдан суд ҳукмида муҳокама қилмаганлиги, А.Жураевнинг турмуш ўртоғи онкология касаллиги билан касалланганлиги, унинг ўғли ҳозирда SAMBHRAM университетда контракт асосида ўқишлиги, юқоридагиларга кўра, АЖни ЖКнинг 210-моддаси билан оқлаб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судланувчи АЕнинг ҳимоячиси [REDACTED] шикоятда, Пахтакор туман Пахтакор шаҳрининг бош режасининг саноат зоналарига тегишли ер майдонларидаги, яъни нотурар ер майдонидан уй-жой учун ажратиладиган ер майдонларига ўтказишда туман қурилиш бўлимининг ваколоти йўқлиги, шунингдек, улар бу ҳақда бирор бир хулоса тузиш ваколатига ҳам эга эмаслиги, саноат зоналарида жойлашган нотурар жой биноларини турар жойга ўтказиш ҳам мумкин эмаслиги, шу сабабли АЕ ЖКнинг 210-моддаси субъекти бўла олмаслиги, АЕнинг жиноий ҳаракатини ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в” бандидан ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а,б” бандларига қайта малакалаб, иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги сабабли унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, судья [REDACTED] инг маърузасини, прокурор [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи АЖ ва унинг ҳимоячиси [REDACTED], судланувчи АЕ ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] нинг шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятларини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.



Биринчи босқич суди ишни кўришда, ЖПКнинг 22, 23, 95, 112, 463, 467-моддаларида белгиланган талабларига, жумладан, ҳақиқатни аниқдаш, айбисизлик презумицияси принципларига ҳамда айблов ҳукми чиқариш асосларига риоя қилмасдан, жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текширмаган, иш материалларида маълум бўлиб қолган кам-кўстни тўлдирмаган, юзага келган ҳамма шубха ва қарама-қаршиликларни бартараф этмаган, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, шунингдек, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоламаган ҳолда айблов ҳукми чиқаришда тахминларга асосланган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли қарорининг 5-бандидаги судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, биринчи босқич суди судланувчилар АЖ ва АЕларнинг ўзларини ҳимоя қилиш учун келтирган важларини тўлиқ, текширмасдан, судланувчиларнинг ишга алоқадор ҳар бир важларини текширмасдан, гувоҳ БМнинг судда берган кўрсатувларини суд ҳукмида кўрсатмасдан юқорида келтирилган процессуал ҳуқуқларини чекланишига йўл қўйган.

Биринчи инстанция суди томонидан юқоридаги қонун нормалари, Олий суд пленуми Қарори талаблари бажарилмаганлигини эътиборга олиб, апелляция инстанцияси суди Саноат зонасидан ер майдонини нотурар жой биносидан, турар жой биносига айлантириш АЖ ва АЕларнинг хизмат вазифасига кирмаслиги, уларнинг қасди РКнинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга қаратилганлиги ҳақидаги судланувчилар ва ҳимоячиларнинг важларини текширишни лозим топади.

Апелляция инстанцияси судида сўралган судланувчи АЖ, Пахтакор туман Қурилиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келганлигини, фуқаро РК уни олдига келиб "Келдиёров Р" хусусий корхонасига қарашли Пахтакор шаҳрининг бош режасига асосан Пахтакор Саноат зонасида жойлашган 0,80 сотих ер майдонини нотурар-жой биносидан, турар жой биносига айлантириш учун илтимос қилганлигини, у унга бир неча маротаба Рустам ака ер майдонини нотурар-жойдан, турар жой биносига айлантириб бўлмади деб айтганлигини, чунки бундай ваколати унда қ деганлигини, бундан ташқари унга Саноат зонаси ҳудудида уй-жой



қуриш ва бўлиши мумкин эмаслиги, бу уларнинг бош режа Ўзшаҳарсозлик ЛИТИда тасдиқлаб берилганлиги, Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ билан келишув бўлмаса, бу таклифи ўтмаслигини айтиб тушунтирганлигини, шунда РК унга 30 млн. сўм пул таклиф қилганлигини, у эса унга рад жавобини бериб, Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ билан келишув бўлмаса бунинг иложи йўқлигини айтганлигини, шунда у бу ишларни бирга қилайлик деб таклиф қилганлигини, у эса таклифини рад этганлигини, саноат зонасида жойлашган ер майдонини нотурар-жой биносидан, турар жой биносига айлантириб бўлмаслигини, чунки Пахтакор шаҳрининг бош режасига асосан Пахтакор Саноат зоналари Ўзшаҳарсозлик ЛИТИда тасдиқланганлигини, нотурар-жой биносининг солиғи юқори бўлишлигини, у РКга хизмат учун пул берасан деб айтмаганлигини, суҳбат жараёнда ҳам РКга пул берасан деб айтмаганлигини, у РКга 5 000 АҚШ доллар пул берасан деб айтмаганлигини, РКни ўзи олдига келиб, солиқ тўловим 100.000.000 сўмдан ошиб кетаяпди, менга ёрдам қилмасанглр бўлмайди, агар ер майдонини нотурар-жой биносидан, турар жой биносига айлантириб берсаларинг 30 млн сўм бераман, деб илтимос қилиб келганлигини, пул бериш таклифи РКдан чиққанлигини, ўша вақтда АЕга 4 000 АҚШ доллари берганлигидан хабари бўлмаганлигини, қилган ишидан пушаймон эканлигини, оилавий аҳволини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Апелляция инстанцияси судида сўралган судланувчи АЕ, Пахтакор тумани архитектура бўлимида мутахассис бўлиб ишлаганлигини, РК уни олдига 2021 йил август ойининг охирларида келиб, ўзига тегишли бўлган ер майдонини нотурардан турар жой майдонига айлантириб беришни сўраганлигини, биринчи келганида унга мумкин эмаслигини айтганлигини, шундан кейин яна 15-20 кун ўтиб олдига келиб, 100.000.000 сўм ер солиғини давлатга тўлагунча сизларга хизмат қилай деб айтганлигини, шунда мен ер майдонини нотурардан турар жой майдонига айлантиришни имкони бўлмасада, кўчада қарзлари борлиги сабабли унинг таклифига рози бўлганлигини, шундан сўнг у РКни ишончига кириш учун ишни Тошкентдан гаплашиб кўришлигини, шу ерда курсдошлари борлигини айтганлигини, РК билан учрашиб, Тошкент билан гаплашганлигини, 4000 АҚШ доллари билан ҳал бўлишлигини айтганлигини, кейин 4000 АҚШ долларини олган вақтини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан ушланганлигини, ер майдонини нотурардан турар жой майдонига айлантиришни иложи бўлмаганлигини, пул олишдан мақсад, кўчада қарзларини ёпиш бўлганлигини, кейинчалик иш бўлмаганини айтиб, олган пулини қайтармоқчи бўлганлигини, 1993 йилдан буён шу соҳада ишлашлигини, Тошкентда ер масаласида ҳеч кимга учрашмаганлигини, шунчаки РКга таниши бор деб, унинг ишончига кириш бўлганлигини, мақсади РКни алдаб пулини олиш бўлганлигини, РК билан 4.000 АҚШ долларига



келишганлигини, 4.000 АҚШ доллари олган вақтида АЖни хабари бўлмаганлигини, у шахсан АЖга пул туғрисида айтмаганлигини, Саноат зонасидаги нотурар жойни турар жой майдонига айлантишни иложи бўлмаганлигини, ўша ер, ишлаб чиқаришга мўлжалланган ер бўлганлигини, биринчи инстанция судида мутахассис сифатида БМ чақиртирилган ва савол жавоб қилинганлигини, суд ҳукмида унинг кўрсатуви қайд этилмаганлигини, лекин ■■■ ҳокимиятни ҳам Саноат зонасидаги ер майдонини нотурардан турар жой майдонига айлантиш ваколоти йўқ деб айтганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ ■■■, Жиззах вилоят Қурилиш бош бошқармасида бошлиқ ўринбосари лавозимида ишлашлигини, Саноат зонасида жойлашган нотурар-жой биносидан, турар жой биносига айлантириш ваколоти йўқлигини, бу вазифалар қонун бўйича ВМ 370-сонли қарори бўйича тартибга солинишлигини агар ушбу бино иншоатларни нотурар жойдан турар жойга айлантириш учун ёки қайта таъмирлаш учун фуқаролар давлат хизматлари орқали ариза билан мурожаат қилинишлигини, АЖ ва АЕлар нотурар-жой биносидан, турар жой биносига айлантириш жараёнида ҳеч қандай вазифаларни бажармаслигини, уларнинг бу борада ваколатлари йўқлигини, чунки бош режада тасдиқланган бўлишлигини, АЖ ва АЕлар давлат хизматлар агентлигидан келиб тушган аризаларни ўрганиб ваколатлари доирасида керакли хулосалар беришларини, АЖ ва АЕлар Саноат зонасидаги ерларга ва бино иншоатларни нотурар жойдан турар жойга айлантириш учун хулоса беролмасликларини, Саноат зонадаги ерларга ўзгартиришлар киритилмаслигини, агар лозим топилса, маҳаллий ҳокимият томонидан ва ВМнинг тегишли қарори асосида амалга оширилишлигини, агар Саноат зонадаги ерлар ва биноларга қўшимча ўзгартириш киритилаётган бўлса, А.Жураев ва АЕлар томонидан бориб ўрганиб, хулоса тузилишлигини, логин парол орқали тизимга хулоса киритилишлигини, шундан сўнг барча ташкилотлар ўрганиб ўзининг хулосаларини тизимга бириктирилишлигини, Республика орқали Саноат зонадаги ерларни нотурар жойдан турар жойга айлантиришни иложи йўқлигини, асослантирилган хулосалар бўлиши кераклигини, Саноат зонасидаги нотурар жойни турар жойга айлантиришни иложи йўқлигини, агар аҳоли яшайдиган нотурар жойни турар жойга айлантириш керак бўлса, фуқаро томонидан Давлат хизматлар агентлигига ариза ёзилиши ва у ердан келиб тушган ариза юзасидан ҳолатни ўрганиб хулоса берилишлигини, Саноат зонасидаги нотурар жойни турар жойга айлантиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини, чунки шаҳарнинг бош режасида тасдиқланган бўлишлигини, агар шу масала кўтариладиган бўлса туман ҳокимлигини ҳам ваколоти йўқлигини, ушбу берган кўрсатувларини биринчи босқич судида ҳам ■■■ ганлигини, ҳужжат бўйича “Келдиёров Р” хусусий корхонасига



қарашли ер майдонида қурилган биноларни суратларини кўрганлигини, Саноат зонасида уй қуриш мумкин эмаслигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган жабрланувчи РК, у “Келдиёров Р” ишлаб чиқариш хусусий корхонасининг раҳбари бўлиб ишлаб келишлигини, у эшик-дераза ишлаб чиқариш мақсадида Пахтакор Саноат зонасидан 2.2 сотих ер майдони олганлигини, у ерга ишчилар учун уй-жой қурганлигини, шу сабабли қурилган уйларни кадастр хужжатлари қилиш учун, яъни у ер нотурур жой бўлганлиги сабабли ўша ернинг 2.2 гектар ер майдонини турар жойга айлантириш мақсадида 2021 йил август ойида Пахтакор туман “Давлат хизмат” ларига бориб 0.80 сотих нотурур ер майдонининг 2.2 гектар ер майдонини турар жойга айлантириш керак деб борганлигини, у ердаги мутахассислар нотурур ер майдонини турар жойга айлантириш учун Пахтакор туман Қурилиш бўлимининг хулосаси кераклигини айтишганлигини, шундан сўнг у Пахтакор туман Қурилиш бўлимига бориб, АЕ билан гаплашганлигини, кейин АЕ унга нотурур ер майдонини турар жойга айлантирса бўлишини, лекин бу ишни Тошкентга бориб ҳал қилиш кераклигини айтганлигини, ундан хизмат учун 4.000 АҚШ доллар пул талаб қилганлигини, шундан сўнг орадан 10-15 кунлар ўтганидан кейин кўчада АЕ ва АЖларни кўриб қолиб, уларга илтимос қилганида, АЖ унга ака ҳозир қанча солиқ тўлаяпсиз деб айтганлигини, у унга бир йилга 60 000 000 сўм солиқ тўлаётганини айтганлигини, шунда АЖ унга шу солиқ тўловининг ярмини, яъни 30.000.000 сўмини берса турар жойга айлантириб беришини айтганлигини, шундан сўнг у уларни ноқонуний ҳаракатлари устидан ДХХга аризи билан мурожаат қилганлигини, унга 5.000 АҚШ доллар бериш кераклигини АЕ айтганлигини, кейин 4.000 АҚШ долларига келишишганлигини, уларни ҳал қилолмаслигини билганидан кейин ариза ёзганлигини, 5.000 АҚШ долларни Тошкентдаги ходимларга бериб келаман деб айтганлигини, у билан учрашганида Тошкентга бориб келганини айтганлигини, у 5.000 АҚШ долларни беролмаслигимни айтганидан кейин, улар 4.000 АҚШ доллари сўрашганлигини, биринчи бўлиб АЕ билан гаплашганлигини, унга 30.000.000 сўм берасан деб АЖ айтганлигини, 5.000 АҚШ доллари берасан деб АЕ айтганлигини, тадбирдан кейин яна у нотурур жойни турар жойга айлантириш учун мурожаат қилганлигини, вилоят архитектурга, улар унга жавоб беришмаганлигини, унинг мақсади ишчи ходимларга уй-жой қилиб бериш бўлганлигини, Саноат зонасида ерларни турар жойга айлантириб бериши мумкин эмаслигини билмаслигини, судланувчилар АЖ ва АЕларга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчилар АЖ ва АЕларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддасига кўра, пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг



ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкрий манфаатдор бўлиши;

Ушбу модданинг 2-қисми “в” бандида тамагирлик йўли билан пора олганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарорининг 1-бандида, “Пора олганлик учун жиноий жавобгарликка фақат давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик вазифасини доимий ёки вақтинчалик бажараётган ходимлар тортилиши тушунтирилсин.

Пора берувчининг манфаати учун тегишли ҳаракатларни бажариш ваколатига эга бўлмаса-да, лекин ўзининг эгаллаб турган лавозими мавқеига кўра, пора учун ушбу ҳаракатлар бошқа мансабдор шахс томонидан бажарилиши учун чора кўриш мумкин бўлган мансабдор шахслар ҳам ушбу жиноятнинг субъекти деб топилиши лозим”, 3-бандида, “Суд мансабдор шахс томонидан пора берувчининг манфаати учун қайси ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик эвазига пора олинганлигини аниқлаши ва ҳукмда кўрсатиши лозим. Бу ўринда порахўрлик учун жавобгарлик, пора ҳаракат содир қилингандан олдин ёки кейин берилишига боғлиқ бўлмасдан, пора олдиндан келишилганлиги, пора олувчининг манфаати учун бирон-бир ҳаракат бажарилган бўлишидан қатъи назар келиб чиқишини назарда тутиш лозим” деб тушунтириш берилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган БМ, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 54-моддасида аҳоли пунктининг бош режаси 20-25 йиллик ҳисоб-китоб муддатига мўлжалланиб ишлаб чиқилади, шу Кодекснинг 66-моддасида, ишлаб чиқариш зоналарида уйлар учун ер участкаларини жойлаштирилишига йўл қўйилмайди деб кўрсатилганлиги, Шаҳарсозлик кодексининг 41-моддасида жамоатчилик назорати субъектлари томонидан аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ёзма ёки электрон шаклида берилиши белгилаб қўйилганлиги, Пахтакор тумани, Пахтакор шаҳри бош режасининг саноат зоналарига тегишли ер майдонларидаги, яъни нотурар ер майдонидан уй-жой учун ажратиладиган ер майдонларига ўтказишда туман қурилиш бўлимининг ваколати йўқлиги, шунингдек улар бу ҳақда бирор бир хулоса тузиш ваколатига ҳам эга эмаслиги, шунингдек, саноат зоналарида жойлашган нотурар жой биноларини турар жойга ўтказиш мумкин эмаслиги ҳақида кўрсатув берган.



Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи АЖ Жиззах вилояти Пахтакор туман қурилиш бўлими бошлиғи лавозимида АЕ ташкилот мутахассиси лавозимида ишлаган.

Бундай ҳолатда АЖ ва АЕ ЖКнинг 210-моддаси субъекти бўла олмайди.

Шунингдек, судланувчилар АЖ ва АЕлар ЖКнинг 210-моддаси 2-қисмининг “в” банди, яъни тамагирлик билан ҳам квалификация қилиб бўлмайди.

Чунки “Келдиёров Р” хусусий корхонасига тегишли бўлган, Пахтакор тумани Саноат зонасида жойлашган нотурар жой биноларини турар жойга ўтказиш қонун талабига зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 66-моддасига кўра, ишлаб чиқариш зоналарида уларнинг иш олиб боришини таъминлайдиган саноат, коммунал, омборхона объектлари, муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар объектлари жойлаштирилади, шунингдек бундай объектларнинг санитария-муҳофаза зоналари белгиланади. Саноат, коммунал ва омборхона объектларининг санитария-муҳофаза зонасида уйлар, давлат таълим муассасалари, нодавлат таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, дам олиш объектлари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт иншоотлари, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун ер участкалари жойлаштирилишига, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарорининг 11-бандида, “Тамагирлик - мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш демакдир. Шунинг учун мансабдор шахс томонидан, масалан, камомадни кўрсатмаслик, ўқув юртларига тартиб-қоидаларни бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмайди” деб тушунтириш берилган.

Иш ҳолати бўйича жабрланувчи РКнинг қонуний ҳуқуқлари поймол қилинмаган ҳамда пора беришга мажбур этадиган шароитга тушиб қолмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Пленум Қарорининг 21-бандида “Хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик (ЖК 168-моддаси учинчи қисми «в» банди) учун жавобгарлик мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш учун



фойдаланиб, ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келиши” ҳақида,

22-бандида эса “Мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳолатига кўра, жабрланувчи РКга, “Келдиёров Р” хусусий корхонасига тегишли бўлган 2.2 гектар ер майдонини турар жой тоифасига ўтказиш ёки бу ҳақда хулоса бериш судланувчилар АЖ ва АЕларнинг хизмат ваколатларига кирмайди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарорининг 15-бандида “Агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди” деб тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси судида сўралган жабрланувчи РК, эшик-дераза ишлаб чиқариш мақсадида Пахтакор Саноат зонасидан 2.2 сотих ер майдони олганлигини, у ерга ишчилар учун уй-жой қурганлигини, шу сабабли қурилган уйларни кадастр ҳужжатлари қилиш учун, яъни у ер нотуруп жой бўлганлиги сабабли ўша ернинг 2.2 гектар ер майдонини турар жойга айлантириш мақсадида 2021 йил август ойида Пахтакор туман “Давлат хизмат”ларига бориб 0.80 сотих нотуруп ер майдонининг 2.2 гектар ер майдонини турар жойга айлантириш керак деб борганлигини, у ердаги мутахассислар нотуруп ер майдонини турар жойга айлантириш учун Пахтакор туман Қурилиш бўлимининг хулосаси кераклигини айтишганлигини, шундан сўнг у Пахтакор туман Қурилиш бўлимига бориб, АЕ билан гаплашганлигини, кейин АЕ унга нотуруп ер майдонини турар жойга айлантирса бўлишини, лекин бу ишни Тошкентга бориб ҳал қилиш кераклигини айтганлигини, ундан хизмат учун 4.000 АҚШ доллар пул талаб қилганлигини, шундан

10 орадан 10-15 кунлар ўтганидан кейин кўчада АЕ ва АЖларни кўриб



қолиб, уларга илтимос қилганида, АЖ унга ака ҳозир қанча солиқ тўлаяпсиз деб айтганлигини, у унга бир йилга 60 000 000 сўм солиқ тўлаётганини айтганлигини, шунда АЖ унга шу солиқ тўловининг ярмини, яъни 30.000.000 сўмини берса турар жойга айлантириб беришини айтганлигини, шундан сўнг у уларни ноқонуний ҳаракатлари устидан ДХХга аризи билан мурожаат қилганлигини, унга 5.000 АҚШ доллар бериш кераклигини АЕ айтганлигини, кейин 4.000 АҚШ долларига келишишганлигини, уларни ҳал қилолмаслигини билганидан кейин ариза ёзганлигини, 5.000 АҚШ долларни Тошкентдаги ходимларга бериб келаман деб айтганлигини, у билан учрашганида Тошкентга бориб келганини айтганлигини, у 5.000 АҚШ долларни беролмаслигимни айтганидан кейин, улар 4.000 АҚШ доллари сўрашганлигини, биринчи бўлиб АЕ билан гаплашганлигини, унга 30.000.000 сўм берасан деб АЖ айтганлигини, 5.000 АҚШ доллари берасан деб АЕ айтганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси суди томонидан аниқланган ҳолатларига кўра, АЖ, Жиззах вилояти Пахтакор туман қурилиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, ўзи билан бирга ишлаб келаётган ташкилот мутахассиси АЕ билан бир гуруҳ бўлишиб, олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, “Келдиёров Р” хусусий корхонаси раҳбари РК корхонага ишлаб чиқариш учун ажратилган 2,2 гектар ер майдонини турар жой тоифасига ўтказиш учун хулоса бериш учун Пахтакор туман қурилиш бўлимига мурожаат қилганида, АЖ ва АЕлар Тошкентдаги ходимлар орқали Саноат зонасидан нотурар ер майдонини турар жой тоифасига ўтказиб беришни ваъда қилиб, ундан 5000 АҚШ доллари сўрашиб, 2021 йил 16 сентябрь куни соат 15:20ларда Пахтакор шаҳар Сўғдиёна кўчасида АЕ ўзининг бошқарувидаги “LASETTI” русумли 25 G 614 DA давлат рақам белгили автомашинасида 4.280.000 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ долларини олган вақтларида ашёвий далиллар билан ушланганлар.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчилар АЖ ва АЕлар РКдан Тошкентдаги ходимлари орқали нотурар жойни турар жойга айлантириб беришни айтишиб, ундан 5000 АҚШ доллари сўрашиб, АЕ ушбу масала Тошкент орқали ҳал бўлишини, ушбу пулларни Тошкентдаги ходимларга беришини айтиб, орадан бир неча кун ўтганидан сўнг РКга Тошкентдаги ходимлар билан учрашиб гаплашганлигини, улар 4000 АҚШ доллари бўлишини айтиб, пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсад қилишган.

Бу ҳолат, стенограмма матнидаги судланувчилар АЖ, АЕ ва жабрланувчи РКларнинг ўзаро суҳбатларида ҳам Тошкентдаги танишлари орқали нотурар жойни турар жойга айлантириш масаласини ҳал қилаётганликлари билан ҳам ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни



аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилганлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди, қайд этилганлар ҳамда юқорида келтирилган қонун ва Олий суд Пленумининг Қарори тушунтиришларига асосан, судланувчилар АЖ ва АЕлар Жиззах вилояти Пахтакор туман қурилиш бўлими бошлиғи ва мутахассиси яъни мансабдор шахс бўлиб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан, ўз хизмат ваколатига кирмайдиган ҳаракат учун РКни пора беришга қизиқтириб ундан 4.000 АҚШ долларини олишга суиқасд қилишганлигини инobatга олиб, АЖнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисмининг “в” бандидан 25,168-моддаси 3-қисми “в” бандига ва 28,211-моддаси 1-қисмига, АЕнинг жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 210-моддаси 2-қисмининг “в” бандидан 25,168-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 28,211-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддаси талабига мувофиқ, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 26-бандида “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инobatга олган ҳолда-ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади. Ушбу жазо турини қўллаш сабаблари ҳукмда асослантирилиши шарт” деб тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди, юқорида келтирилган қонун талаби ва Олий суди Пленуми қарори тушунтиришига риоя қилган ҳолда судланувчи А.Джураев ва АЕга нисбатан жазо тайинлашда мамлакатимизда кенг қамровли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни амалга оширишда пора олиш ва бериш жиноятлари жиддий тўсиқ бўлаётганлиги ва бу жиноятларнинг бугунги кунда ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканини инobatга олиб, уларни миятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деб



ҳисоблаб, уларнинг ҳар иккисига нисбатан ҳам ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган жазолардан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 45-моддаси тартибида, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, зарарнинг қопланганлигини инобатга олиб, АЖга ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди ҳамда АЕга ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари санкциясида назарда тутилган жазолардан ахлоқ тузатиш ишлари тайинлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятларини қисман қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁷, 497², 497³¹ - моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2021 йил 18 январ кунги [REDACTED]

[REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

АЖнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в,г” бандларидан шу Кодекс 25,168-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 28,211-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

АЖга ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

АЖга ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

АЖга ЖКнинг 59,61-моддаси тартибида тайинланган жазолар қисман қўшилиб, 1 (бир) йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 16 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

АЖга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

АЕнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в,г” бандларидан шу Кодекснинг 25,168-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 28,211-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

АЕга ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил мансабдорлик ва моддий



жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

АЕга ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

АЕга ЖКнинг 59,61-моддаси тартибида тайинланган жазолар қисман қўшилиб, 1 (бир) йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 16 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

АЕга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоятлари қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи: имзо

Ҳайъат судьялари: имзо

имзо

Аслига тўғри:

